

IX. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз) 331,2 мингга етди, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31609 тага ёки 10,5 % ошган ва фаолият кўрсатаётганлари сони эса 316,7 мингтани ташкил қилди бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31155 тага ёки 10,9 % га ошган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тақдим этилган билдиришиномага асосан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базаси юритилади.


Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Тошкент шаҳри (20,8 %), Тошкент (10,4 %), Фарғона (8,7 %) ва Андижон (8,6 %) вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	минг бирлик	жамига нисбатан % да	минг бирлик	жамига нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	331,2	100	316,7	100
Қорақалпоғистон Республикаси	15,7	4,7	15,2	4,8
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	28,5	8,6	27,0	8,5
Бухоро	18,5	5,6	17,6	5,6
Жиззах	14,5	4,3	13,8	4,4
Қашқадарё	21,1	6,4	20,6	6,5
Навоий	11,0	3,3	10,8	3,4
Наманган	22,1	6,7	21,0	6,6
Самарқанд	25,3	7,6	24,2	7,6
Сурхондарё	16,2	4,9	15,6	4,9

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	минг бирлик	жамига нисбатан % да	минг бирлик	жамига нисбатан % да
Сирдарё	10,9	3,3	10,1	3,2
Тошкент	34,3	10,4	30,4	9,6
Фарғона	28,8	8,7	28,4	9,0
Хоразм	15,4	4,7	14,7	4,6
Тошкент ш.	68,9	20,8	67,3	21,3

Рўйхатдан ўтган субъектларнинг ҳудудлар бўйича улуши, %



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 22,2 %), саноат (17,3 %), қурилиш (8,9 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (7,7 %) соҳаларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
(2018 йилнинг Октябр ҳолатига)**

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	минг бирлик	жамига нисбатан % да	минг бирлик	жамига нисбатан % да


Жами	331,2	100	316,7	100
-------------	--------------	------------	--------------	------------

шу жумладан:

қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	25,4	7,7	23,9	7,6
саноат	57,3	17,3	55,1	17,4
қурилиш	29,5	8,9	28,2	8,9
Савдо	73,4	22,2	69,4	21,9
ташиш ва сақлаш	13,5	4,1	13,0	4,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	20,4	6,1	19,2	6,1
ахборот ва алоқа	7,2	2,2	6,8	2,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	6,7	2,0	6,6	2,1
бошқа турлари	97,8	29,5	94,5	29,8


Охириги 5 йиллик яъни 2014 йилда, рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони (фермер ва дехқон хўжаликларсиз) 273,6 мингтани бўлган бўлса ҳозирги кунда 331,2 тани ташкил этмоқда.

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %




Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 95,6 % ни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 4,4 % ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич йил бошига нисбатан таққослаганда ўзгаришсиз қолган.

Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонидан фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, %




2018 йил 1 октябрь ҳолатига 259,2 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 72,4 мингта, оилавий корхоналар – 14,7 мингта, масъулияти чекланган жамиятлар – 164,3 ва 7,8 мингтани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар-ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, минг бирликда



2018 йилнинг январь-сентябр ҳолатига жами 42,8 мингта янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 30,6 % кўпроқ. Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (9,4 мингта), Тошкент (4,2 мингта), Фарғона (3,4 мингта), Андижон (3,2 мингта) ва Самарқанд (3,6 мингта) вилоятларига тўғри келади. Энг кам эса Сирдарё (1,2 мингта), Хоразм (1,8 мингта), Навоий (1,7 мингта) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (2,1 мингта) га тўғри келади.


Худудлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг сони, минг birlikда



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши савдода 20,6 %, саноатда 20,0 %, қурилишда 11,5% ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 10,6 % ни ташкил этади.

Республикада янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлар сони (фермер ва деҳқон хўжаликлари) 2014 йилда 26,9 минг, 2015 йилда 27,9 минг, 2016 йилда 32,7 минг, 2017 йилда 41,0 минг ва бугунги кун ҳолатига 43,6 мингтани ташкил қилди.

**Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %**



2018 йил 1 октябрь ҳолатига Республикамизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 257,1 мингдан ортиқни ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2017 йил шу даврига нисбатан 11,8 % га ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 58,1 мингтаси (жами субъектларнинг 22,6 %) Тошкент шаҳрига, 24,8 мингтаси (9,7 %) Тошкент, 22,6 мингтаси (8,8 %) Фарғона ҳамда 22,3 мингтаси (8,7 %) Андижон вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 8,1 мингтаси (3,1 %) Сирдарё, 8,7 мингтаси (3,4 %) Навоий, 10,8 мингтаси (4,2 %) Жиззах, 11,6 мингтаси (4,5 %) Хоразм вилоятларига ҳамда 11,6 мингтаси (4,5 %) Қорақалпоғистон Республикаси ҳиссаларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар бўйича сони

	2017 йил 1 октябрь ҳолатига		2018 йил 1 октябрь ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	230,0	100	257,1	100
Қорақалпоғистон Республикаси	10,4	4,6	11,6	4,5
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	21,6	9,4	22,3	8,7
Бухоро	12,6	5,5	14,3	5,6
Жиззах	9,3	4,1	10,8	4,2
Қашқадарё	14,7	6,4	16,3	6,3
Навоий	7,5	3,2	8,7	3,4
Наманган	16,1	7,0	16,9	6,6
Самарқанд	16,0	6,9	18,9	7,3

	2017 йил 1 октябрь ҳолатига		2018 йил 1 октябрь ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
Сурхондарё	10,7	4,6	12,1	4,7
Сирдарё	7,4	3,2	8,1	3,1
Тошкент	21,4	9,3	24,8	9,7
Фарғона	20,0	8,7	22,6	8,8
Хоразм	10,9	4,7	11,6	4,5
Тошкент ш.	51,4	22,4	58,1	22,6

Фаолият кўрсатаётган жами 257,1 мингдан ортиқ кичик тадбиркорлик субъектларининг 68,9 мингтаси (26,8 %) – савдода, 54,5 мингтаси (21,2 %) - саноатда, 28,0 мингтаси (10,9 %) - қурилишда, 23,4 мингтаси (9,1 %) - кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 19,1 мингтаси (7,4 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 12,8 мингтаси (5,0 %) - ташиш ва сақлашда, 6,6 мингтаси (2,6 %) - ахборот ва алоқа соҳасида, 5,2 мингтаси (2,0 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, шунингдек 38,7 мингтаси (15,0%) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўришиб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %



Кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил

этилмаганлиги сабабли фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг жами рўйхатга олинганларнинг умумий сонига нисбатан улуши юқори бўлмоқда. Жумладан, 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига Тошкент вилоятида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонига фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 12,4 % ни (3529 та) ташкил қилган, Андижон вилоятида эса рўйхатдан ўтганларнинг жами сонига 5,6 % ни (1330 та) ташкил қилиб, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100 тага ўсган.

Ҳисобот даврида 11,4 мингта корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 1,9 мингтаси (жами фаолияти тугатилганларнинг 24,2 %) ихтиёрий тугатиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар. 2018 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 6960 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1590 тага ёки 29,6 % га ўсган. Шунингдек, Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 3764 таси қўшма корхоналар, 3196 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналарнинг сони, бирликда



Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳар 4394 та (63,1%), Тошкент 782 та (11,2 %) ва Самарқанд 376 та (5,4 %) вилоятлари

ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Хоразм 66 та (1,0 %), Қашқадарё 72 та (1,0 %) ва Навоий 90 та (1,3 %) вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши
(2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Ўзбекистон Республикаси	6960	100
Қорақалпоғистон Республикаси	109	1,6
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	201	2,9
Бухоро	138	2,0
Жиззах	112	1,6
Қашқадарё	72	1,0
Навоий	90	1,3
Наманган	124	1,8
Самарқанд	376	5,4
Сурхондарё	139	2,0
Сирдарё	103	1,5
Тошкент	782	11,2
Фарғона	254	3,6
Хоразм	66	1,0
Тошкент ш.	4394	63,1

Фаолият кўрсатаётган 6960 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 2818 таси

(40,5 %) саноат, 1484 таси (21,3 %) савдо, 425 таси (6,1 %) қурилишда, 289 таси (4,2 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 286 таси (4,1 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 207 таси (3,0 %) ташиш ва сақлашда, 181 таси (2,6 %) ахборот ва алоқада, 90 таси (1,3 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 1180 таси (17,0 %) бошқа фаолият турлари хиссаларига тўғри келади. Шундан кўришиб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши
(2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан % да
Жами	6960	100
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	286	4,1
саноат	2818	40,5
қурилиш	425	6,1
савдо	1484	21,3
ташиш ва сақлаш	207	3,0
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	289	4,2
ахборот ва алоқа	181	2,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	90	1,3
бошқа турлари	1180	16,9

2018 йилнинг январь-сентябрь ойида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 1659 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1073 тага кўпайган ёки 35,3 баробарга ошган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида – 306 та, Туркия Республикаси – 260 та, Қозоғистон Республикаси – 188 та, Хитой Халқ Республикаси – 232 та ва Корея Республикаси – 129 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган. Шунингдек, 2018 йилда Афғонистон Ислом Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари қўшма фаолиятга қизиқиш билдирдилар.

1659 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (1003 та), Тошкент (179 та), Самарқанд (99 та)

ва Фарғона (52 та) вилоятлари ҳиссалариги тўғри келади. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг энг кам ташкил этган вилоятлар қаторига Хоразм (16 та), Қашқадарё (16 та), Андижон (31 та), Наманган ҳамда (29та) ав Навоий (29 та) вилоятларини киритиш мумкин.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
худудлар кесимидаги сони ва улуши**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Ўзбекистон Республикаси	1659	100
Қорақалпоғистон Республикаси	27	1,5
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	31	1,9
Бухоро	44	2,7
Жиззах	36	2,2
Қашқадарё	16	1,0
Навоий	29	1,7
Наманган	29	1,7
Самарқанд	99	6,0
Сурхондарё	78	4,7
Сирдарё	20	1,2
Тошкент	179	10,8
Фарғона	52	3,1
Хоразм	16	1,0
Тошкент ш.	1003	60,5

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 508 та, савдода 444 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 133 та, қурилишда 159 та ва бошқа фаолият турларида 221 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда



Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмларини кенгайтиришда етарли даражада ишлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли, айрим ҳудудларда хорижий инвестицияларни жалб қилишда беқарорлик сақланиб қолмоқда. Жумладан Миришкор туманида хорижий капитал иштирокидаги корхоналар мавжуд эмас. Шу билан бирга, 2018 йил 1 октябрь ҳолатига 184 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмаётган корхоналар рўйхатида турибди. Булар Тошкент шаҳри (63 та), Тошкент (76 та), Самарқанд (11 та), Наманган (8 та) ва Андижон (7 та) вилоятларидадир.



Оилавий корхоналар. Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2018 йил 1 октябр ҳолатига 15332 тани ташкил этиб, улардан 14748 таси ёки 96,2 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонига нисбатан ўртача 27,0 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.

Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда

